Байрам муносабати билан мукофотланган юртдошларимиз орасида газетамизнинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири, фидойи ходимимиз, устоз журналист Қурбон Эгамбердиев ҳам бор. У киши турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга, узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун Президентимиз Фармонига асосан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Қурбон ака маҳалла тизими билимдони сифатида Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласи фаолияти ва ҳаётида ҳам фаол иштирок этади.

Тажрибали журналист Қурбон Эгамбердиевни юксак мукофот билан газета муштарийлари номидан қизғин қутлаб, у кишига эл-юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларида куч-қувват тилаймиз.

Тошкент шаҳри

"МЕҲМОНлар ЙЎҚ — ҲАММАМИЗ МЕЗБОН"

Ўзбек заминида байрамлар кўп. Лекин улардан энг улуғи, энг азизи — давлатимиз Мустақиллиги эълон қилинган кун. Истиқлолимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида юртимизнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тантаналі тадбирлардан бири Юнусобод туманидаги бизнинг Турон номли маҳалламизда ҳам ўтказилди. Уни маҳалламиз фуқаролари уюшқоқлик билан ташкил этдилар. Байрам дастурхонига турли ноз-неъматлар тортилди. Айниқса, биз кексаларни қувонтирган томони, тадбирда ёши улуғ маҳалладошларга алоҳида эҳтиром кўрсатилгани бўлди.

"Меҳмонлар йўқ — ҳаммамиз мезбон" шиори остида ўтган ушбу байрам тадбирида туман маданият саройи санъаткорларининг иштирок этиши унинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Маҳалланинг табаррук онахони — Зайнабхон ая рақсга тушиб, ёшларни ҳам даврага чорлади.

Бу шукуҳли тадбирнинг бошида маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамлакатхон Камолова ҳамда Ойсарахоним Абдуллаева, Маъмурахон Каштанова каби фаол аёлларимиз бўлишди.

Раъно ТОШМУҲАМЕДОВА,
меҳнат фахрийси.

Тошкент вилояти

Обод бўлган қишлоқлар

ТУЯБЎҒИЗДА — ТАШАББУС

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида янада жонланди

Ўртачирчиқ туманидаги 15 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 124 та маҳалла ҳудудида 170 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг бошини қовуштириб, аҳил бир жамоага уюштириш йўлида "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси томонидан олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Истиқлолимизнинг 16 йиллигини зўр кўтаринкилик ва пухта тайёргарлик билан қарши олаётган туман меҳнаткашлари барча соҳада яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ҳар бир маҳалла ўз фаоллари кўмагига таянган ҳолда байрам дастурхонини ёзишга ҳозирлик кўрмоқда. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ўз вақтида ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, бу борада ҳомийлар кўмагига таянилмоқда. Байрам арафасида туман болалар шифохонаси ва туғруқхона биноси янгидан таъмирланиб, ишга туширилди. Ҳудуддаги 12 та мактаб эса бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

— Байрам арафасида тумандаги Туябўғиз қишлоқ фуқаролар йиғининг Наврўз ва Олтиўғил маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Раҳматулло Ражабов. — Мазкур маҳаллалар ҳудудида жойлашган "Туябўғиз сув омбори" ва 74-Тўйтепа автотранспорт корхонаси кўмагида 300 метрлик ариқлар қайта тозаланди, 1200 туп дарахт оқланиб, уларга шакл берилди. Ҳудуддан 30 тоннага яқин маиший чиқиндилар олиб чиқилди. Кўчалар ва ўйингоҳлар саранжом-саришта ҳолатга келтирилди. Мактаблар, боғчалар, сув омбори атрофлари тозаланиб, ёритгичлар созланди. Айни дамда Туябўғиз аҳолиси байрамона кайфиятда, қишлоқ ҳудуди эса байрамона қиёфада.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1 та сув чиқариш насоси ҳамда Навоий номли кўча тўлиқ таъмирланди. Маҳаллада хусусий шифохонанинг ишга туширилиши эса байрамга муносиб туҳфа бўлди. 43-мактабга 200 минг сўм, сув насосларини таъмирлаш учун эса 350 минг сўм хайрия ёрдами кўрсатилди. "Туябўғизбулоқ" масъулияти чекланган жамияти аҳолини тоза ичимлик суви билан мунтазам таъминлаб турибди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Саньат байрамидан

Тошкент шаҳри

"ФАХРИЙЛАР КУЙЛАГАНДА"

Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган "Фахрийлар куйлаганда" номли санъат танловининг якуний босқичи Учтепа туманидаги Кўкча-Оқтепа маҳалласида бўлиб ўтди. Унда мазкур танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида саралаб олинган 60 ёшдан 80 ёшгача бўлган фахрий санъаткорлар, шунингдек, пойтахтдаги бир гуруҳ нуроний отахон-онахонлар иштирок этди.



— Ёшлигимизда бирга ижод қилиб, бирга қўшиқ айтган, аммо кейинчалик хизмат юзасидан юртимизнинг турли ҳудудларида фаолиятини давом эттирган тенгдошларимизнинг кўпчилиги билан ушбу байрам сабаб яна дийдорлашдик, — дейди Тошкент вилоятидан ташриф буюрган фахрий санъаткор Сайдазим Қурдратуллаев. — Бунинг учун тадбир ташкилотчилари — "Маҳалла", "Нуроний", халқаро "Олтин мерос" жамғармаларига, Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигига раҳмат.

Тадбирда куйлаган қорақалпоғистонлик қўшиқчи Гулпаршин Сиримбетова, сурхондарёлик 71 ёшли санъаткор Файзулло Нарзуллаев, хоразмлик Ислом Бобожонов ва бошқаларнинг маромига етказиб ижро этган куй-қўшиқлари дилларни ларзага солди. Айниқса, рус миллатига мансуб хоразмлик 66 ёшли раққоса Надежда Каримованинг хоразмча шўх рақслари йиғилган кекса отахону онахонларни ёшлик онларига бир зум қайтарган бўлса, ажаб эмас.

— Шу ерда ўтирганларнинг аксарияти менинг тенгдошларим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, 80 ёшли фахрий санъаткор Коммуна Исмоилова. — Уларнинг даврасида ўтириб, худди ёшлигимдагидек қўшиқ айтиш мени тўлқинлантириб юборди. Бу учрашувнинг улуғ байрамимиз арафасида ўтказилаётгани эса ўзига хос рамзий маънога эга.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга байрам кечаси ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова *(чапдаги сурат)* хоразмлик фахрий раққоса Надежда Каримова билан; фахрий санъаткор Сайдазим Қудратуллаев.

Раҳмонбек ИСЛОМОВ олган суратлар.

Олам турфа

ГУЛЛИВЕРнинг СЪЕЗДИ

Австралиянинг Линц шаҳрида баланд бўйлилар съезди ўтказилди.

Бу анжуманда бўйи 190 сантиметрдан кичик бўлмаган эркаклар ҳамда бўйи 180 сантиметрдан паст бўлмаган аёллар қатнашди.

Съезднинг яна бир диққатга сазовор томони бор эди-ки, унда ғолиблик учун кураш ҳам бўлди. Бўйи "атиги" 2 метру 20 сантиметр бўлган голландиялик Р.Брунтайн ғолиб деб топилди.

КАМПИРнинг АВТОПОЙГАСИ

Кабина ичида бор қуввати билан бақириб ашула айтаётган радионинг товуши бир зум тинган пайтда машинани бошқариб кетаётган 80 ёшли Э.Бердсуорд деган кампир машинасининг чап томонида нимаанингдир тарақлаётганини сезиб қолди. У полициячининг олдида тўхтаб нима бўлганини билиб беришини сўради.

"Форд"ни кўздан кечираётган полициячи машинани кўриб, тили калимага келмай, дудукланиб қолди: не кўз билан кўрсинки, автомобилнинг олдинги чап ғилдираги умуман йўқ эди.

Кейин маълум бўлишича, Э.Бердсуорд шу аҳволда деярли 10 километр йўлни босиб ўтган экан. Ундан қаршингизда келаётган машина ҳайдовчилари ҳеч қандай белги билдиришмадими, деб сўрашганда, кампир қандайдир имо-ишоралар бўлди, деб жавоб қайтарган. Лекин у бунга аҳамият бермаган, чунки у ўзини жуда эҳтиёткор ҳайдовчи деб биларди.

Кўрик-танлов якуни

ТАЖРИБА ТАНЛОВДА СИНАЛДИ

энди энг маҳоратли маслаҳатчилар фаолиятидаги намунали жиҳатлар республика миқёсида оммалаштирилади

Юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жойларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, шунингдек, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг зарурлигини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда маҳаллада кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда тажрибали, ўз касбига фидойи маслаҳатчиларнинг ўрни беқиёс.

Аввал хабар қилганимиздек, юқоридаги каби ибратли ишларни оммалаштириш мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичидаги биринчи ва иккинчи ҳудуд беллашувлари Фарғона ҳамда Хоразм вилоятларида бўлиб ўтган эди. Яқинда эса кўрик-танлов республика босқичининг учинчи ва тўртинчи ҳудуд беллашувлари Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ташкил этилди. Хусусан, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари бўйича Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган беллашувларда Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Усмон Боиров номли маҳалла маслаҳатчиси Хусния Ёрбекова ҳамда кўрик-танловнинг Тошкент шаҳри ва Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари бўйича Жиззах вилоятида ўтказилган босқичида Тошкент шаҳри Учтепа тумани Шофайзи боғ маҳалласи маслаҳатчиси Малика Маҳмудова ҳамда Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи маслаҳатчиси Мағфират Бердиевалар ғолиб деб топилди.

Шубҳасиз, мазкур кўрик-танлов диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг ўзаро тажриба алмашишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, ўтказилган кўрик-танлов босқичларида нафақат ғолиблар, балки тажриба алмашиш мақсадида ҳар бир вилоятдан келган фаол маҳалла маслаҳатчилари ҳам иштирок этишди. Айниқса, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 40 нафар илғор маслаҳатчи ва фаол аёлларнинг Хоразм вилоятида бўлиб ўтган кўрик-танлов республика босқичига ташриф буюргани, бундан ташқари, Жиззах вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси Жиззах ва Хоразм вилоятлари бўлимлари томонидан намунали фаолият олиб бораётган маслаҳатчиларнинг рағбатланлирилиши таҳсинга сазовор бўлди. Ҳар бир ҳудудда "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлимлари томонидан Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган концерт дастурлари уюштирилиб, байрам дастурхони ёзилди.

Ўтказилган кўрик-танловларда ғолиб чиққан маҳалла маслаҳатчиларининг амалга оширган ишлари, ибратли фаолияти, илғор тажрибаларини келгусида оммалаштириш ва кенг тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Кўрик-танлов ғолиблари "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Гавҳар АЛИМОВА,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви мутахассиси, кўрик-танлов ҳайъати масъул котиби.

СУРАТДА: *кўрик-танловнинг Жиззах вилоятида бўлиб ўтган республика босқичи ғолиблари — Мағфират Бердиева (ўнгда) ва Малика Маҳмудова.*

Замондошларимиздан бири

Тошкент вилояти

«ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР ЮРАГИМГА ЧЎҒ СОЛДИ»

— дейди ўн икки йилдан бери фермер хўжалигини бошқараётган Омина опа.

Халқимизда "Ақл ёш танламас" деган нақл бор. Фермерлик фаолиятини муваффақиятли юритаётган Омина опа Ҳасанованинг ғайратини кўриб, "Киши юрагидаги ғайрат-шижоат ҳам ёш танламас экан-да" деган ўй кечди, хаёлимиздан.

Омина опа икки кам олтмиш ёшда. Турмуш ўртоғи Маъруфжон ака билан беш нафар ўғил-қизларни уйли-жойли қилишган, ўн еттита набиралари бор. Шуниси қизиқки, Омина опанинг яшаш манзили Янгийўл шаҳридаги Фарҳод номли маҳаллада. У бошқараётган фермер хўжалиги эса туманнинг чекка ҳудуди — Халқобод қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Ватан маҳалласида жойлашган. Фермер опа ҳар йили эрта баҳорда ҳовли-жойини ташлаб далага кўчиб келганича, кеч кузда, ерни баҳорги экин-тикин мавсумига ҳозирлаш ишлари тугагачгина уйига қайтади.

— Мен тенгилар набиралари қуршовида кўрпа-кўрпача қавиб ўтиришибди, — дейди Омина опа. — Кенг далани бир кун айланмасам, юрагим сиқилади. Ўғилларим, турмуш ўртоғим ҳар ишда тирғагим менинг. Деҳқончилик мурғаклигимдан қонимга сингиб кетган, ҳозиргача эккан кўчатим унса, ҳосил баракали бўлса, завқланиб кетаман. Етишмовчиликдан қилаётганим йўқ фермерликни. Худога шукур фаровон замонда яшаяпмиз, рўзғоримиз тўкис. Мустақиллик йилларида Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилаётган қулай шарт-шароитлар юрагимга чўғ ташлади. Бунгача ҳам қандай вазифада ишлашимдан қатъи назар каттагина томорқамизни ҳеч бўш қўйган эмасман. 1995 йили туманимизда биринчилардан бўлиб фермерлик ишини бошладим. Бу йил 18,6 гектар ерга буғдой экдик, режани ҳам туманда биринчилардан бўлиб уддаладик. Юртимиз ғаллакорлари етиштирган 6 миллион 250 минг тонналик хирмонга баҳоли қудрат улуш қўшганимиздан фахрланаман. Даромадимиз ҳисобидан трактор, эҳтиёт қисмлар харид қилдик. Кам таъминланган оилаларга буғдой улашдик. Рўзғорбоп дон-дун, сабзавотлар, полиз экинлари ҳам етиштиряпмиз. Рўзғордан ортганини маҳалладошларга илинамиз, бозорга чиқарамиз. Юртбошимизга минг раҳмат, у киши бошчилигидаги ислоҳотлар туфайли бугунги кунда ер унга меҳр қўйган, у билан "тиллаша" оладиган ҳақиқий эгасини топмоқда. Айни кунда тасарруфимиздаги ерларга туташ бўш ётган майдонларни ҳам фермер хўжалигимиз фойдаланувига олишга ҳаракат қилмоқдамиз, насиб этса, экинзоримиз янада кенгаяди.

Омина опанинг турмуш ўртоғи Маъриф ака ҳам эл-юрт хизматида юрган фидойилардан: у киши Фарҳод номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

— Тўғрисини айтсам, маҳаллакўй юмушларидан ортиб, бирор соатга бўлса ҳам далага келиб-кетишга ҳаракат қиламан, — дейди Маъриф ака. — Оминахон билан тақдиримизнинг боғланишига ҳам унинг ўта меҳнаткашлиги сабаб бўлган. У асли Наманганнинг Олмос қишлоғидан. Олмосликлар деҳқончиликнинг тоза ҳадисини олган бўлишади. Раҳматли онам Оминахоннинг меҳнатсеварлиги ва чаққонлигини кўриб, ўша куниёқ тўй тараддудини бошлаб юборганлар. "Эрхотин қўш ҳўкиз, лекин оилада аёл эпчил ва тутимли бўлсагина, рўзғорга барака киради. Бу қиз худди шундай бека бўлади, болам..." дегандилар. Мана, иккимиз ҳам меҳнатнинг орқасидан кам бўлмай яшаяпмиз. Ҳар қандай вазият, шароитда ҳам меҳнат қилган одам кам бўлмас экан. Кўп йиллик ҳаётим ва фаолиятим давомида уққан ҳақиқатим бу. Фарзандларимга, маҳалламиз ёшларига ҳам шундай ўгит бераман.

Мавлуда ҚОСИМОВА

31 август — Қатағон қурбонларини Ёд этиш куни

Пок номи тикланган ПЎЛАТОВ

XX асрнинг 20-24-йилларида Бухородаги иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётда ўнлаб маърифатпарварлар қаторида Қори Йўлдош Пўлатовнинг ҳам иштироки сезиларли бўлган. У ўша вақтларда Бухоро амирлигига қарашли Керки шаҳрида "Ёш бухороликлар" қўмитасининг раҳбари сифатида, кейинчалик эса Бухоро Халқ Республикасининг маориф нозири вазифасида ишлайди. 1925-1930-йилларда республиканинг иқтисод, маданият, маориф, матбуот соҳалари ривожига катта ҳисса қўшди. Афсуски, 30-йилларнинг охирларида ўша даврнинг бир қанча йирик давлат ва жамоат, фан арбоблари каби у ҳам қатағон қурбони бўлди. Унинг ҳаёти ва фаолияти, сўнгги қисмати ҳақидаги ушбу мақола архив ҳужжатлари асосида ёзилган.

Қори Йўлдош Пўлатов 1890 йилда собиқ Бухоро амирлигига қарашли Керки шаҳрида (ҳозирги Туркманистоннинг Чоржўй вилояти) хизматчи оиласида таваллуд топади. 1910 йилгача эски усул ва янги усул мактабларида таълим олади. 1916 йил охиригача Керки шаҳридаги мактабларда муаллимлик қилади. 1917 йилдан Бухорода амирлик сиёсатига қарши тузилган "Ёш бухороликлар" ҳаракатининг Керки шаҳридаги бўлимига раҳбарлик қилади. 1918 йилда "Ёш бухороликлар" билан бирга амирга қарши курашда иштирок этади. Кураш муваффақиятсизликка учрагач, у Самарқандга келади. 1919 йилда Самарқанд вилояти маориф бўлими мудири бўлиб ишлайди. Амир Қори Йўлдош Пўлатовни қўлга ололмагач, отасини қамаб, оила аъзоларини қувғин қилади.

1920 йилнинг ёзидан янги Бухоро (Когон)да Бухоро Халқ жумҳуриятининг маориф ишлари бўйича нозир бўлиб ишлайди. У 1920-1924 йиллар давомида янги замонавий руҳдаги мактаб ва пед билим юртлари, матбуот ва адабиёт, театр барпо этилишида фаол иштирок этади. Бу борада янги кадрлар тайёрлаш масалалари билан ҳам жиддий шуғуллана бошлайди. "Бухоро ахбори" газетасининг муҳаррири сифатида иқтисодий-ижтимоий ва маърифий мавзуларда мақолалар ёзади, масалан: "Йўл хотиралари", "Солиқ ҳаққинда бир-икки сўз", "Порахўрлик билан кураш" каби мақолалари жамоатчиликда қизиқиш уйғотади. Матбуот ишига Тошкентдан ва Самарқанддан келган моҳир қаламкашларни ҳам чорлайди. Мунаввар қори Абдурашидхоновни ўзининг вақф ишлари бўйича ўринбосари этиб тайинлайди. Муҳаммад Саид Аҳрорий, Чўлпон, Лазиз Азиззода каби таниқли шоир ва жамоат, маориф арбобларининг "Бухоро ахбори", "Учқун", "Нашри маориф" каби янги газета ва журналларда фаолият юритишига ёрдам беради. Натижада 1920-1924 йилларда Бухорода чоп этилган матбуот саҳифаларида республикада янгича маориф ва мактаб ишини йўлга қўйиш, давлат ишларини бошқаришда маҳаллий кадрларга яқиндан ёрдам кўрсатиш, солиқ сиёсатини тўғри амалга оширишнинг аҳамияти каби мавзуларда Фитратнинг "Маориф ишлари", С.Аҳрорийнинг "Давлат ишларида ерлиларга ёрдам", Ф.Хўжаевнинг "Солиқ масаласи", Л.Азиззоданинг "Иқтисодий ишларимиз" мақолалари, Чўлпоннинг "Халқ" шеъри эълон қилинади. Қори Йўлдош Пўлатов ўз фаолиятида нафақат маориф, матбуот ишларига, балки етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, илғор мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганишга катта аҳамият беради.

1924 йил охирларида Й.Пўлатов республика Молия вазири этиб тайинланади. У мазкур вазифада 1929 йилга қадар ишлайди.

Қори Йўлдош Пўлатов 1929-1932 йилларда собиқ иттифоқнинг Ўрта Осиё банки бўлими бошқарувчиси вазифасида ишлайди. 1934 йилда барча иттифоқдош республикаларда ёппасига бошланган партияни "тозалаш" компанияси гирдобига ўнлаб зиёлилар қатори Қори Йўлдош Пўлатов ҳам тушади. Жадидчилик, миллатчилик ташкилотларининг аъзоси бўлган деган сохта айблов билан қораланиб, партиядан чиқарилади, ишдан четлаштирилади ва 1937 йил 11 июлда қамоққа олинади.

Қори Йўлдош Пўлатовни сохта айбларни тан олишга ва бошқаларга туҳмат қилишга мажбурлайдилар. Унинг овқатланиши ва ухлашига имкон бермай, қийнашади, 10-12 соат мобайнида узлуксиз сўроққа тутилади. У қийноқ ва тазйиқларнинг барчасига чидайди, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам туҳмат қилмайди, ҳақиқатни такрорлашдан чарчамайди. Охир-оқибатда 1937 йил 5 ноябрда ҳеч қандай суд жараёнисиз 10 йилга сургунга ҳукм этилади. У узоқ, совуқ юртларда оғир жисмоний ва руҳий шароитда меҳнат қилади. 1937 йил охирларида ўзини оқлашларини сўраб мурожаат йўллайди. 1939 йилда унга мурожаати оқибатсиз қолдирилганини маълум қиладилар.

1947 йилда сургун муддати тугаб, Қори Йўлдош Пўлатов Ўзбекистонга қайтади, лекин унинг уй-жойи мусодара қилиниб, оила аъзолари халқ душманининг қариндоши сифатида тазйиқ остида кун кечираётган эдилар. Унга Тошкентда яшаш ва ишлашга рухсат берилмайди. Шаҳардан 50-60 километр узоқликдаги Чиноз туманида бир совхоз боғида қоровул бўлиб ишлай бошлайди. Орадан икки йил ўтгач, уни ўша ердан яна қамоққа оладилар.

1949 йил уни такроран асоссиз равишда яна 10 йил муддатга сургунга маҳкум қиладилар. Шундай қилиб, у Тошкент қамоқхонасидан Красноярский ўлкасига юборилади. У ердаги Игарка шаҳрида 5 йил 8 ой давомида оғир меҳнат ва таҳқир азобларини бошидан кечиради. 1954 йилда сургундан сўнг Ўзбекистонга қайтади. Уй-жойидан маҳрум қилинган оиласи пароканда бўлган бечорани фарзандлари ҳам ўз қарамоғига олишдан ҳайиқадилар. Чунки улар ҳамон тазйиқ остида яшамоқда эдилар. Қори Йўлдош Пўлатов Туркманистондаги ногирон укасининг торгина кулбасида яшашга мажбур бўлади. Сургундаги қийноқ ва оғир меҳнат азоблари оқибатида орттирган касалликлари тобора кучая боради, нафақа ололмайди, озиқ-овқат, дори-дармонга ҳам маблағ тополмай ўта ночор аҳволда кун кечира бошлайди. У 50-йилларнинг ўрталарида ўзининг фаолияти ва ноҳақ тортган жабр-зулмларини баён қилиб, оқланишига ёрдам беришларини сўраб, мутасаддиларга такроран мурожаат қилади.

1956 йилда бегуноҳ қатағон этилган кўплаб ватандошларимизнинг аризалари қатори Қори Йўлдош Пўлатовнинг мазкур аризаси ҳам қайта кўрилади. Унинг қамалишига 1923-1930 йилларда қамоққа олинган баъзи бир шахсларни Қори Йўлдош Пўлатовни миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган эди, деган ўйдирма кўрсатмалари асос бўлганлиги, аслида бу кўрсатмалар туҳматдан иборат эканлиги аниқланади. Бундан ташқари, уни яқиндан билган республиканинг кекса меҳнат фахрийларидан Қори Очилов, Мирзо Муҳиддинов, А.Альмеров, Қосимхўжаев унинг ҳалол ва ўз вазифасига масъулиятли шахс бўлганлиги хусусида гувоҳлик берадилар. Ниҳоят, 1956 йил 18 декабрда Қори Йўлдош Пўлатовга нисбатан сургун жазосини тайинлаш ҳақидаги ҳукмлар асоссиз деб топилади ва у оқланади.

Лекин шунга қарамасдан турғунлик йилларида бегуноҳ қамалган кўплаб ватандошларимиз каби Қори Йўлдош Пўлатов ҳам узоқ йиллар шубҳа ва гумонлар гирдобидан қутулолмади. У 1965 йили армон билан дунёдан ўтди. Унинг Ватан, эл-юрт олдидаги хизматлари Ўзбекистон мустақиллиққа эришганидан кейингина ўз баҳосини олди. Қори Йўлдош Пўлатов ҳаёти ва фаолияти холисона ўрганилди. Бу даврда нашр этилган Ўзбекистоннинг тарихига оид янги илмий ишлар ва айрим мақолаларда, жумладан, профессор Наим Каримовнинг "Тақдир ўйини" ("Хуррият" газетаси, 2001 йил 29 август сони) мақоласи, тарихчи-олимлар Шодмон Ҳайитов ва Камол Раҳмоновларнинг "Истиқлолнинг икки фарзанди" номли (Бухоро, 2003 йил) китобида Қори Йўлдош Пўлатовнинг Ўзбекистон маорифи ва иқтисодиёти тарихидаги хизматлари архив ҳужжатлари асосида холис ва батафсил ёритилди.

Шерали ТУРДИЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси музейи ходими.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир.

Ислом КАРИМОВ

Азиз юртдошлар!

Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами барчангизга қутлуғ бўлсин!

Қалбда эзгу орзу-ниятлар, бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи ила ёрқин келажак сари шаҳдам одимлаётган ватандошларимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамлансин! Осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги, қалбларимиз хотиржамлиги барқарор бўлсин!

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви



ТИЛДА ДОСТОН — ЎЗБЕКИСТОН!

Боғларида нашватилар
бўй таратган.
Пахтакори оқ олтиндан
тоғ яратган —
Боғу бўстон, Ўзбекистон!
Деҳқонлари ризқин излаб
ер ҳайдаган.
Чўпонлари яйловларда
тек турмаган —
Бир гулистон, Ўзбекистон!
Боболари юзларидан
нурлар ёққан.
Момолари тонг саҳарда
сигир соққан —
Жаннатмакон, Ўзбекистон!
Йигитлари ўз кентидан
ёр излаган.
Полвонлари давраларда
ютқазмаган —
Яша полвон, Ўзбекистон!
Келинлари ибо билан
салом берган.
Куёвлари бошин эгиб
сипо турган —
Бахтли макон, Ўзбекистон!
Оналари болажондир,
меҳри дарё.
Оқ сут билан фарзандига
берган зиё —
Меҳри осмон, Ўзбекистон!
Аскарлари кўкси қалқон,
ватанпарвар!
Мардлигига қойил қолган
бани башар —
Тилда достон, Ўзбекистон!

Қобилжон ҲАСАНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси ўринбосари.

АРМУҒОН

Истиқлолнинг йўлидан одимлаб келажак томон,
Бунёдкорлик гашти-ла ошдик ўн олти зўр довон,
Ким эдик, киммиз бугун — ўзлигимиз айлаб аён,
Беқиёс топдик ривож, қойил ва ҳайрондир жаҳон.

Эзгу ниятлар-ла отгай шукуҳли ҳар тонгимиз,
Улуғ юя, ижод учун шайдир шуур, онгимиз,
Ҳар соҳада таралмоқда дунё бўйлаб донғимиз,
Қўлламоқда бизни кимки хайрихоҳ, дўст-қадрдон.

Истиқлол йўлин танладик, дўст-душманга ошкора,
Ундан бизни қайтаролмас ҳеч бир нияти қора,
Исомиддин, Мустақиллик мустаҳкамдир тобора,
Ўн олти йиллик тўйига шеъринг бўлсин армуғон!

Исомиддин ЖУМА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда оилавий муаммоларни ҳал қилиб олинг. Бунинг учун аввало сабр-тоқатли бўлишингиз ва ўйлаб иш қилишингиз лозим.

СИГИР(22.04-20.05)
Анчадан буён режалаштириб юрган ишларингизни айни кунларда амалга оширишингиз учун қулай фурсат туғилади. Якшанба куни саёҳатга чиқишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Яқин кунларда меҳмондорчиликлар кўпайиб кетиши мумкин. Зиёфатларга берилиб ота-онангиз ва яқинларингиз ҳолидан хабар олишни унутиб қўйманг.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Айни кунлар серқирра ижод соҳиблари учун жуда самарали келиши кутилмоқда. Сешанба ва жума кунлари ишингизда бироз муаммолар юзага келиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ушбу бурж вакиллари учун чоршанба куни анча сердаромад келиши кутилмоқда. Олган даромадингизнинг маълум қисмини хайрли ишларга сарфлаганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Шу кунларда кайфиятингиз бироз ёмонлашади. Бунга асабингиз бузилиши сабаб бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолатнинг олдини олиш ўз қўлингизда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Оиладаги муҳитга ўзгартириш киритишдан аввал тўғри йўл тутаётганингизга ва бу хатти-ҳаракатингиз яхши натижа беришига ишонч ҳосил қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ёзнинг иссиқ кунларида табиат қўйнида дам ололмаганингиздан ҳеч ҳам ранжиманг. Театр ёки истироҳат боғларида ҳам мириқиб дам олиш мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Янги ишга жойлашишда шошқалоқлик қилманг. Бирор ишга қўл уришдан олдин узоқни кўзлашга одатлансангиз, бу албатта, фойдадан холи бўлмайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Тижорат ишлари билан шуғулланиш учун айни кунларда қулай имконият юзага келади. Жумада уйингизга меҳмон келиши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Иш юзасидан туғиладиган баъзи муаммоларни ҳал қилиб олишингизга тўғри келади. Дам олиш кунлари рўзғор юмушларига қарашинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Яқин кунларда ҳамкорлик юзасидан янги таклифлар тушади. Шу орқали мўмай даромад орттиришингиз мумкин.

"Маҳалла" жамғармаси Бухоро вилояти бўлими Ғиждувон туманидаги Бобур номли маҳалла оқсоқоли **Тошпўлат ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

10755 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 00.40
1 2 3 4 5 6